

380 - وَعَنْ أُسَيْرِ بْنِ عَمْرٍو - وَيُقَالُ: ابْنُ جَابِرٍ، وَهُوَ «بِضْمِ الْأَهْمَرَةِ وَفَتْحِ السِّينِ الْمُهْمَلَةِ» قَالَ: كَانَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ إِذَا أَتَى عَلَيْهِ أَمْدَادُ أَهْلِ الْيَمَنِ سَأَلَهُمْ: أَفِيكُمْ أُوَيْسُ بْنُ عَامِرٍ؟ حَتَّى أَتَى عَلَى أُوَيْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَقَالَ لَهُ: أَنْتَ أُوَيْسُ بْنُ عَامِرٍ؟ قَالَ: تَعَمَّ، قَالَ: مِنْ مُرَادٍ تُمُّ مِنْ قَرْنٍ؟ قَالَ: تَعَمَّ، قَالَ: فَكَانَ بِكَ بَرَصٌ، فَبَرَأْتَ مِنْهُ إِلَّا مَوْضِعَ دِرْهَمٍ؟ قَالَ: تَعَمَّ. قَالَ: لَكَ وَالِدَةٌ؟ قَالَ: تَعَمَّ، قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «يَأْتِي عَلَيْكُمْ أُوَيْسُ بْنُ عَامِرٍ مَعَ أَمْدَادِ أَهْلِ الْيَمَنِ، مِنْ مُرَادٍ، تُمُّ مِنْ قَرْنٍ، كَانَ بِهِ بَرَصٌ فَبَرَأَ مِنْهُ إِلَّا مَوْضِعَ دِرْهَمٍ، لَهُ وَالِدَةٌ هُوَ بِهَا بَرٌّ، لَوْ أَقْسَمَ عَلَى اللَّهِ لِأَبْرَهُ، فَإِنْ اسْتَطَعْتَ أَنْ يَسْتَغْفِرَ لَكَ فَافْعَلْ»، فَاسْتَغْفِرُ لِي فَاسْتَغْفَرَ لَهُ، فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: أَيْنَ تُرِيدُ؟ قَالَ: الْكُوفَةَ، قَالَ: أَلَا أَكْتُبُ لَكَ إِلَى عَامِلِهَا؟ قَالَ: أَكُونُ فِي عِبْرَاءِ النَّاسِ أَحَبُّ إِلَيَّ.

فَلَمَّا كَانَ مِنَ الْعَامِ الْمُقْبِلِ حَجَّ رَجُلٌ مِنْ أَشْرَافِهِمْ، فَوَافَقَ عُمَرَ، فَسَأَلَهُ عَنْ أُوَيْسٍ، قَالَ: تَحْتَهُ رَثَّ الْبَيْتِ، قَلِيلَ الْمَتَاعِ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، يَقُولُ: «يَأْتِي عَلَيْكُمْ أُوَيْسُ بْنُ عَامِرٍ مَعَ أَمْدَادٍ مِنْ أَهْلِ الْيَمَنِ مِنْ مُرَادٍ، تُمُّ مِنْ قَرْنٍ، كَانَ بِهِ بَرَصٌ فَبَرَأَ مِنْهُ، إِلَّا مَوْضِعَ دِرْهَمٍ، لَهُ وَالِدَةٌ هُوَ بِهَا بَرٌّ، لَوْ أَقْسَمَ عَلَى اللَّهِ لِأَبْرَهُ، فَإِنْ اسْتَطَعْتَ أَنْ يَسْتَغْفِرَ لَكَ فَافْعَلْ» فَأَتَى أُوَيْسًا فَقَالَ: اسْتَغْفِرُ لِي، قَالَ: أَنْتَ أَحَدْتُ عَهْدًا بِسَفَرٍ صَالِحٍ، فَاسْتَغْفِرُ لِي، قَالَ: اسْتَغْفِرُ لِي، قَالَ: أَنْتَ أَحَدْتُ عَهْدًا بِسَفَرٍ صَالِحٍ، فَاسْتَغْفِرُ لِي. قَالَ: لَقِيتَ عُمَرَ؟ قَالَ: تَعَمَّ، فَاسْتَغْفَرَ لَهُ، فَفَطِنَ لَهُ

النَّاسُ، فَانطَلَقَ عَلَيَّ وَجْهَهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2542/225].

وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ أَيْضًا: عَنِ أُسَيْرِ بْنِ جَابِرٍ: أَنَّ أَهْلَ الْكُوفَةِ وَفَدُّوا إِلَى عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَفِيهِمْ رَجُلٌ مِمَّنْ كَانَ يَسْحَرُ بِأُويُسَ، فَقَالَ عُمَرُ: هَلْ هَاهُنَا أَحَدٌ مِنَ الْقَرَتِيِّينَ؟ فَجَاءَ ذَلِكَ الرَّجُلُ، فَقَالَ عُمَرُ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ قَالَ: «إِنَّ رَجُلًا يَأْتِيكُمْ مِنَ الْيَمَنِ يُقَالُ لَهُ: أُوَيْسٌ، لَا يَدْعُ بِالْيَمَنِ غَيْرَ أُمَّ لَهُ، قَدْ كَانَ بِهِ بِيَاضٌ، فَدَعَا اللَّهُ تَعَالَى فَأَذْهَبَهُ إِلَّا مَوْضِعَ الدِّينَارِ أَوْ الدِّرْهَمِ، فَمَنْ لَقِيَهُ مِنْكُمْ فَلْيَسْتَغْفِرْ لَكُمْ» [2542].

وَفِي رِوَايَةٍ لَهُ: عَنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ خَيْرَ التَّابِعِينَ رَجُلٌ يُقَالُ لَهُ: أُوَيْسٌ، وَلَهُ وَالِدَةٌ، كَانَ بِهِ بِيَاضٌ فَمُرُوهُ فَلْيَسْتَغْفِرْ لَكُمْ» [2542/224].

قَوْلُهُ: «عَبْرَاءِ النَّاسِ» بِمَنْحِ الْعَيْنِ الْمُعْجَمَةِ، وَإِسْكَانِ الْبَاءِ وَبِالْمَدِّ: وَهُمْ: فَتَرَاؤُهُمْ وَصَعَالِيكُهُمْ وَمَنْ لَا تَعْرِفُ عَيْنُهُ مِنْ أَخْلَاطِهِمْ، «وَالْأَمْدَادُ» جَمْعُ مَدَدٍ: وَهُمْ: الْأَعْوَانُ وَالنَّاصِرُونَ الَّذِينَ كَانُوا يُمِدُّونَ الْمُسْلِمِينَ فِي الْجِهَادِ.

380. Усайр ибн Амр (Ибн Жобир)дан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттобнинг ҳузурига Яман аҳлидан қўшин келса, улардан «Орангизда Увайс ибн Омир борми?» деб сўрар эди. Ниҳоят, Увайсга рўбарў келиб, «Сен Увайс ибн Омирмисан?» деди. У: «Ҳа», деди. «Мурод (қабиласи)нинг Қаран уруғиданмисан?» деди. «Ҳа», деди. «Сенда оклик бўлиб, у тузалиб, дирҳам ўрнич қолган холосми?» деди. «Ҳа», деди. «Сенинг онанг бор, шундайми?» деди. «Ҳа», деди. Умар шундай деди: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Сизларга Яман аҳлининг қўшини билан бирга Мурод қабиласининг Қаран уруғидан Увайс ибн

**Омир келади. Унинг (баданида) оқлиги бўлиб, у тузалиб, дирҳам ўрнича қолган бўлади. Унинг онаси бўлиб, (Увайс) унга жуда кўп яхшилик қилган бўлади. Агар у Аллоҳга қасам ичса, Аллоҳ ўша қасамини албатта рўёбга чиқаради. Агар у ҳаққингга истиғфор айтишига имкон топсанг, шундай қилгин»** деганларини эшитганман. Ҳаққимга истиғфор айтгин». У унинг ҳаққига истиғфор айтди. Шунда Умар унга: «Қаерни кўзладинг?» деди. «Кўфани», деди. «Сен учун унинг волийсига мактуб ёзиб берайми?» деди. У: «Менга оддий одамлар орасида бўлиш ёқади», деди.

Келаси йили уларнинг (қаранликларнинг) улуғларидан бир киши ҳаж қилди. У Умарга учраган эди, Умар ундан Увайс ҳақида сўради. «Мен келаётганда унинг уйи содда, нарсалари оз эди», деди. Умар шундай деди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Сизларга Яман аҳлининг кўшини билан бирга Мурод қабиласининг Қаран уруғидан Увайс ибн Омир келади. Унинг (баданида) оқлиги бўлиб, у тузалиб, дирҳам ўрнича қолган бўлади. Унинг онаси бўлиб, (Увайс) унга жуда кўп яхшилик қилган бўлади. Агар у Аллоҳга қасам ичса, Аллоҳ ўша қасамини албатта рўёбга чиқаради. Агар у ҳаққингга истиғфор айтишига имкон топсанг, шундай қилгин»** деганларини эшитганман». Ўша одам Увайснинг ҳузурига бориб, «Мен учун истиғфор айтсанг», деди. У: «Сен яқинда муборак сафардан қайтдинг, сен мен учун истиғфор айтгин», деди. У яна: «Мен учун истиғфор айтсанг», деди. У ҳам яна: «Сен яқинда муборак сафардан қайтдинг, сен мен учун истиғфор айтгин. Умарга учраганмидинг?» деди. У «Ҳа» деган эди, (Увайс) унинг ҳаққига истиғфор айтди. Одамлар уни(нг кимлигини) билиб қолишган эди, у боши оққан томонга қараб кетди.

*Имом Муслим ривояти.*

Имом Муслимнинг яна бир ривоятларида қуйидагича келади:

Усайр ибн Жобирдан ривоят қилинади:

«Умарнинг ҳузурига Кўфа аҳлининг вафди келди. Уларнинг орасида Увайсни масхара қиладиган бир киши ҳам бор эди. Умар: «Бу ерда қаранийлардан бирор киши борми?» деган эди, бояги киши келди. Умар шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деган эдилар: **«Сизларга Ямандан Увайс деган бир киши келади. У Яманда ёлғиз онасини қолдириб келган бўлади. Ун(инг бадани)да оқлик бўлиб, Аллоҳга дуо қилган ва У Зот буни ундан кетказган, фақат динор [ёки дирҳам] ўрнидек жойи қолган бўлади. Сизлардан бирор киши уни учратса, ҳаққига истиғфор айтишини сўрасин».**

Имом Муслимнинг Умар розияллоху анҳудан қилган бошқа ривоятларида қуйидагича келади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг **«Тобеъинларнинг энг яхшиси Увайс деган кишидир. Унинг ёлғиз онаси бор. Унинг (баданида) оқлиги бор эди. (Уни кўрсангиз,) унга айтинглар, ҳаққиға истиғфор айтишини сўрасин»** деганларини эшитганман».

**Шарҳ:** Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга ғойибона ошиқ бўлганларнинг сардори сифатида машҳур бу зот «Абу Амр» куняси билан танилган. Ривоятларга кўра, унинг отаси Омир яманлик бўлиб, Мурод қабиласининг қарн уруғига мансуб эди. Ҳазрати Увайс “муҳазрамлар”дан эди. Ҳадис истилоҳига кўра, “муҳазрам” жоҳилия даврини кўрган, Пайғамбаримизнинг ҳаётлик даврларига етишгани ҳолда, у зот билан кўриша олмай, ғойибона иймон келтирган кишидир.

Саҳобаи киромнинг кўплари билан кўришган Ҳазрати Увайс тобеинларнинг улуғларидан. Чунончи Ҳазрати Умар ибн Хатгобдан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ора-сира Яман тарафга юзларини буриб, бундай дер эдилар: “Яман томондан раҳмат шабадалари эсмоқда. Эҳсон ва эзгуликда тобеинларнинг энг яхшиси Увайс Қаранийдир”.

Орадан йиллар ўтди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳаётлари сўнгида муборак ҳирқаларини ечиб, Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Алига бердилар ва: “Буни Увайс Қаранийга беринглар!” дедилар.

Бу воқеа ҳақида “Ҳилйатул авлиё” китобида узун бир нақл келтирилган. Унда айтилишича, Ҳазрати Увайс Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин ҳаж қилиш учун Маккага келади. Ҳазрати Умар ҳам Увайс билан кўришишни орзу қилиб юрарди. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом Увайс ҳақида илгари хабар берган эдилар. Яманликлар ҳаж қилиш учун келишганида Ҳазрати Умар Абу Қубайс тепалигига чиқади ва баланд овоз билан Яман ҳожиларига мурожаат қилиб, ораларида Увайс исмли киши бор-йўқлигини сўради. Яманликлардан узун соқолли кекса киши ўрнидан туриб: “Эй Умар, сиз айтаётган Увайсни танимайман. Аммо ҳеч ким билан гаплашмайдиган, бозорларда юрмайдиган амакимнинг ўғли Увайс бор орамизда. У туяларимизга кўриқчилик қилиб ўтиради. Кечки пайтлари унга овқатини олиб бориб берамиз”, деди. Ҳазрати Умар дарҳол: “Ўша одамни менга кўрсатинг!” дея ёнларига Ҳазрати Алини олиб, Увайс турган жойга қараб кетди. Улар Увайснинг бир дарахт соясида намоз ўқиётганини кўриб, тугатишини кутиб туришди. Намозини битирган Увайсга салом беришди. Увайс алик олгач, ундан: “Кимсиз?” деб сўрашди. Увайс: “Ҳақ олиб ишлайдиган чўпонман”, деб жавоб берди. Ундан исмини сўрашганида эса “Абдуллоҳ” эканини айтди. Бироқ Ҳазрати Умар эътироз

билдириб: “Ҳаммамиз Абдуллоҳ (Аллоҳнинг бандаси)миз. Онангиз қўйган исмни айтинг”, деганларида: “Увайсман”, дея жавоб берди. Сўнгра икки буюк саҳобий Ҳазрати Увайс билан бир оз суҳбатлашиб, муборак омонатни — ҳирқаи шарифни унга топширишади ва ҳақларига дуо қилишини сўрашади. Увайс ҳам уларнинг Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Али эканини билиб, жуда севинади ва ҳақларига дуо қилади. Кейинроқ бу ҳирқа қўлдан-қўлга ўтиб, Усмонли султонлари томонидан Туркияга олиб кетилади. Ҳозир у Туркияда сақланмоқда.

Ҳазрати Умар кўрсатган эҳтиром туфайли Увайс Қарнда овоза бўлиб кетади. Шунинг учун ортиқ бу ерда тура олмай, Куфага кетади.

Умар розияллоҳу анҳу Увайснинг ҳурматини жойига қўйишни тайинладилар. Куфаликлар юртларига қайтишгач, Увайсни эрмак қилувчи одам одатига хилоф равишда уйига кирмай, тўғри Увайснинг олдига борди ва ундан дуо қилишини сўради. Увайс бошқа эрмак қилмаслик ва Ҳазрати Умардан эшитганларини бировга айтмаслик шарти билан уни дуо қилди. Увайс Қараний Аллоҳ таолога таваккули билан машҳур эди.

Ҳарам ибн Ҳаййон Увайс Қаранийга шогирд тушган ва ундан бир неча насихат олиш билан кифояланган ошиқлардан эди.

Бир куни Ҳарам ибн Ҳаййон Увайс Қаранийдан сўради:

— Қаерда истиқомат қилишимни тавсия этасиз?

— Шомда, — деди Увайс.

Ҳарам сўради:

— У ерда тирикчилик қалай?

Увайс айтди:

— Таваккулсиз қалбларга ўғит фойда бермайди.

Имом Шаъроний “Табақот”ида Увайснинг шамойилини бундай таърифлайди: “Увайс ўрта бўйли, елкалари кенг, кўзлари катта-катта, юзи буғдойранг, сочи қизғиш эди. Жағи доим кўксига ёпишиб турар, кўзлари фақат ерга боқар эди”.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломни кўрмай туриб, у зотдан Ҳазрати Увайс файз олганлари учун устозни кўрмай ундан файз олиш “увайсийлик” дейилади.

Ҳазрати Увайс одамлар билан кўп мулоқотда бўлишни хуш кўрмаганидан унча кўп ҳадис ривоят қилмаган. Фақат Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Алидан қилган ривоятларини Абдураҳмон ибн Абу Лайло ва Башир ибн Амр

китобларида келтиришган.

Ҳазрати Увайснинг вафоти ҳақида келган ривоятларнинг барчасида унинг ҳижрий 37 йили Сиффин жангида шаҳид бўлгани айтилади.

Аллоҳ таоло Ҳазрати Увайсга бергани каби бизнинг қалбимизга ҳам Расулulloҳга холис муҳаббатни жо қилсин, қиёматда шафоатларидан насибадор айласин...

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI